13. «Пул муомиласи» тушунчасини ёритиб беринг. Республикамиз пул муомиласини мустаахкамлаш учун қандай иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?
14. К.Маркс томонидан очилган «Пул муомиласи қонуни»нинг мазмунинимадан иборат? Сизнингча бу қонун хозирги кунда амал киляптими?

6-мавзу: ПУЛ МАССАСИ ВА ПУЛ АГРЕГАТЛАРИ

Режа:

1. Пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти.
2. Пул массаси ва унинг таркибий қисмлари.
3. Пул муомаласини тартибга солиши усуллари.

Асосий тушунчалар: пул муомаласи, пул эмиссияси, пул массаси, пул агрегатлари, квази пуллар, мажбурий резерв, очик бозор, кайта молиялаш

1.Пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти.

1-топширик. Жавобингизни изоҳланг.

Пул муомаласи – бу.....

2-топширик. тўғри жавобни белгиланг.

Ҳар бир мамлакатда қанча микдордаги пул айланиб туради?

- А) Иқтисодиётининг ҳолатига қараб
- Б) Ахолисининг сонига қараб
- В) Географик жойлашувига қараб
- Г) Бозор иқтисодиётига қараб

Пул эмиссияси деб нимага айтилади?

- А) Муомалага пул чиқариш
- Б) Хақиқий пулларни муомалага чиқариш
- В) Қофоз пулларни муомалага чиқариш
- Г) Танга пулларни муомалага чиқариш

Пул эмиссияси билан ким шуғулланади?

- А) Пул эмиссияси билан давлат шуғулланади.
- Б) Пул эмиссияси билан парламент шуғулланади.
- В) Пул эмиссияси билан Марказий банк шуғулланади.
- Г) Пул эмиссияси билан Вазирлар Махкамаси шуғулланади.

4-топширик. Мазмунини баён этинг


Товар ва хизматларнинг пулга
чақилган миқдори.

•

Пул айланиш тезлиги.

•

5-топширик. Пул муомаласи қонунини изохланг:



**сотиладиган товарлар
ва хизматлар
нархининг жами
суммасига тўғри**

**пул айланиш
тезлигига эса тескари
мутаносибдир**

6-топширик. нотўғри жавобни белгиланг


Пулнинг массасини тахлил қилиб борилишини талаби нимада.

- A) Кредит пулларнинг ривожланиб кетиши
- B) Накд пулларнинг муомаладан сиқиб чикарилиши
- C) Давлатларнинг ролини ошиб бориши
- D) Пул массасининг ошиб бориши


7-топширик. Фикрингизни изоҳланг.

XIX асрнинг юзинчи йилларида пул массаси конунларига пулнинг қандай ўзгаришлари таъсир этган	XX-XXI асрларда пул массаси конунларига пулнинг қандай ўзгаришлари таъсир этган

8-топширик. Чизмани тўлдиринг. Пул массаси тижорат банклари тизимидағи пул базасининг ошиши натижасида вужудга келади ва қандай таркибдан иборат бўлади?



9-топширик. Чизмани тўлдиринг. Пул массаси, қандай пул маблағларнинг ялпи хажмини ўзида ифода этади?



10-топширик. Чизмани тўлдиринг

M₀ =

M₁ = M₀ +

M₂ = M₁ +

M₃ = M₂ +


M₄ = M₃ +

M₅ = M₄ +

3.Пул муомаласини тартибга солиш усуллари

11-топширик. Чизмани тўлдиринг.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан **пул муомаласини тартибга солишда** қандай усуллардан фойдаланилади?



12-топширик. нотүгри жавобни белгиланг.

Пул базаси, қандай захиралардан иборат бўлади.

- А) Муомаладаги нақд пуллардан
- Б) Марказий банкдаги мажбурий захиралардан
- В) Марказий банкдаги мажбурий бўлмаган захиралардан
- Г) Олтин валюта захираларидан

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Пул эмиссияси деб нимага айтилади ва у билан ким шуғулланади?
2. Муомалага қанча пул талаб килинади?
3. Пул айланиш тезлиги деб нимага айтилади?
4. Пул муомаласи қонунига кура муомала учун зарур пулнинг тугри ва мутаносиблиги нимада?
5. Пул массаси деб нимага айтилади?

6. Пул агрегатлари деб нимага айтилади?
7. Ўзбекистонда кайси пул агрегатларидан фойдаланилади?
8. Пул массасининг назорати ким томонидан олиб борилади?
9. Пул муомаласини тартибга солишда қандай асосий механизмлардан фойдаланилади?
10. Мажбурий резерв ставкаси нормасини белгилаш сиёсати.
11. Тижорат банкларнинг очик бозорда қатнашиш сиёсати.
12. Марказлашган кредит учун қайта молиялаштириш ставкасини белгилаш сиёсати.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томинидан пул муомаласини тартибга солишда қандай ижобий ўзгаришлар амалга оширилди ва уларнинг самараси нимада?

7-мавзу: ПУЛ ТИЗИМИ: МАЗМУНИ, ТУРЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Режа:

1. *Пул тизими тушунчаси ва унинг турлари.*
2. *Пул тизимининг таркибий қисмлари.*
3. *Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.*

Асосий тушунчалар: Пул тизими, монометаллизм, биметаллизм, пул бирлиги, баҳолар масштаби, пул белгилари, эмиссия тизими, эмитент банк.

1.Пул тизими тушунчаси ва унинг турлари.

1-топширик. Жавобингизни изоҳланг.

Пул тизими - бу.....

2-топширик. нотўғри жавобни белгиланг.

Пул тизими қайси даврларда шакилланган?

- A) XVI–XVII асрларда
- Б) Давлат хокимияти мустаҳкамланишида
- В) Миллий бозорлар шакилланишида
- Г) Таррақиёт жараёнида

3-топширик. нуқталар ўрнини тўлдиринг

Пул тизимининг турлари пуллар қайси шакилда ишлашига боғлиқ бўлади:

Шу муносабат билан пул тизимининг икки тури алоҳида ажралиб туради:

1) Металистик муомала пул тизими,

.....
.....
.....
.....(тариф беринг)

2) Кредит ва қоғоз пуллар тизими,

.....
.....(тариф беринг)

4-топширик. Жавобингизни изоҳланг.

Монометалл пул тизими – бу.....

5-топширик. Жавобингизни изоҳланг.

Биметалл пул тизими – бу.....

6-топширик. Жавобингизни изоҳланг.

Кредит ва қоғоз пуллар муомалада бўлган пул тизими.

7-топширик. түгри жавобни белгиланг.

**Мамлакат Марказий банки томонидан муомалага чиқарылған нималар
миллий пул бирлигига айланган.**

- А) банкнотлар
- Б) чеклар
- В) векселлар
- Г) депозит сертификатлар

**Кредит ва қоғоз пуллар муомалада бўлган пул тизими хозирги даврда
қаерларда амал қилмоқда.**

- А) барча мамлакатларда
- Б) АҚШда
- В) Европа итифоқи мамлакатларида
- Г) МДХ

Бугунги пул тизими қачон вужудга келган?

- А) 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий танглиги натижасида
- Б) 1914 йил биринчи жаҳон уруши даврида
- В) 1941 йил иккинчи жаҳон уруши даврида
- Г) 2008 йил жаҳон молиявий иқтисоди инқирози натижасида

8-топширик. нуқталар ўрнига түгри жавобни қўйинг (Чеклар, нақд пуллар,
нақд пулсиз ҳисоб китоблар, тангалар, қимматли қоғозлар)

Пул муомаласида -..... устун бўлган.

1. Пул тизимининг таркибий қисмлари

9-топширик. Тугри жавобни белгиланг

Пул тизимидағи қайси иқтисодий түшунча хозирги вақтда ўз мохиятини йүқтотган?

- а) пул бирлиги
- б) баҳолар масштаби
- в) тўлов кучига эга бўлган нақд пул белгилари
- г) пул эмиссияси тизими
- д) пул муомаласини тартибга солувчи давлат муассаси

10-топширик. Жавобингизни изоҳланг.

Пул бирлиги – бу.....

11-топширик. Кўпинча пул бирлиги майда бўлинувчи қисмларга ажралади, мисоллар келтиринг:

АҚШ да –

Буюк Британияда –

Ҳиндистонда –

Россияда –

Илова* Дунё мамлакатларининг пул бирликлари.

12-топширик. Бир қатор мустақил давлатлар биргаликда бир хил пул бирликларидан фойдаланишмоқда. Мисоллар келтиринг:

13-топширик. Жавобингизни изоҳланг.

Баҳолар масштаби – бу.....

14-топширик. Туғри жавобни белгиланг

Баҳолар масштаби қачон бекор қилинди?

- A) 1976 йилда
- Б) 1961 йилда
- В) 1941 йилда
- Г) 1914 йилда

15-топширик. нуқталар ўрнига түгри жавобни қўйинг (тижорат банк, эмитент банк, инвестицион банк, хусусий банк)

Муомалага пул белгиларини чиқарувчи банк дейилади.

3. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

16-топширик. Туғри жавобни белгиланг

Ўзбекистонда Мустақил пул тизими ташкил топишининг I-босқичи қачон амалга оширилди?+

- A) 1993 йилдан бошлаб
- Б) 1994 йил 1 июлдан бошлаб

В) 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб

Г) 1995йил 25 декабрдан бошлаб

Ўзбекистонда Мустақил пул тизими ташкил топишининг II-bosқичи қачон амалга оширилди?

А) 1994 йил 1 июлдан бошлаб

Б) 1993 йилдан бошлаб

В) 1996 йил 25 апрелдан бошлаб

Г) 1995йил 25 декабрдан бошлаб

Жорий йилнинг I ярмида муомалага чиқарилган нақд пуллар асосан йирик номиналдаги банкнотлар орқали амалга оширилди.


1-расм

Маълумот учун.

Муомалага чиқарилган банкнотлар улуши

(банкноталар жами сонига нисбатан)

2018 йил 1 январь ҳолатига



17-топширик. Саволга жавоб беринг

Марказий банк ҳузурида унинг бош функцияларидан бири бўлган пул эмиссияси сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим қандай ёрдамчи корхоналар ташкил этилган?

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Пул тизими деб нимага айтилади?
 2. Метал тангалар муомалада бўлган пул тизимида тангалар неча хил металлардан зарб килинган?
 3. Кредит ва қоғоз пуллар муомалада бўлган пул тизими даврида нима ўзгарган?
 4. Пул тизимининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
 5. Пул бирлиги деб нимага айтилади?
 6. Бахолар масштаби нима сабабдан ўз иқтисодий моҳиятини йўқотган?
 7. Тўлов кучига эга бўлган пул белгиларига нималар киради?
 8. Эмиссия тизими деб нимага айтилади ва у билан ким шуғулланади?
 9. Ўзбекистон Республикасида пул тизими неча босқичдан иборат?
 10. Марказий банк эмиссия сиёсатини амалга оширишга кўмаклашадиган қандай корхоналар фаолият юритади?
-
-

8-мавзу: ИНФЛЯЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КҮРАШИШ ЙҮЛЛАРИ

Режа:

- 1. Инфляциянинг моҳияти ва келиб чиқиши сабаблари.*
- 2. Инфляция турлари.*
- 3. Инфляциянинг оқибатлари, унинг аҳоли турмуши даражасига, иқтисодиётга ва банк тизимиға таъсири.*
- 4. Инфляцияни тизгинлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар.*

Асосий тушунчалар: инфляция, талаб инфляцияси, таклиф инфляцияси, ўрмаловчи инфляция, сузувчи инфляция, югурувчи инфляция, товарлар тақчиллиги, пул ислохоти, валюта курслари

1. Инфляциянинг моҳияти ва келиб чиқиши сабаблари

1-топширик. Тарифини изохланг. Инфляция-бу.....

2-топширик. Изох беринг

Инфляция шароитида қуидагилар рўй беради

3-топширик. нуқталар ўрнига тўғри жавобни қўйинг

“Инфляция” атамаси илк бор 1861-1865

йиллардаги Фуқаролар уруши даврида қўлланилган?

- A) Шимолий Америкада
- Б) Европа мамлакатларида
- В) Осиё мамлакатларида
- Г) Африка мамлакатларида

4-топширик. хотўғри жавобни аниқланг

Инфляция баҳоларнинг ўсишидан ташқари яна қуидагиларда намоён бўлади:

- А) валюта курсларининг ўзгариши;
- Б) кредит бериш шартларининг қимматлашуви ва муддатларининг қисқариши;
- В) кундалик хаётай эҳтиёж молларидан иборат истеъмол савати баҳосининг ўсиши.
- Г) товарлар сифатининг яхшиланиши

5-топширик. Инфляция қандай сабаблардан келиб чиқади?

(сабабларини тўлиқ баён этинг)

1. Давлат ўз харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан қоплай олмай қолган шароитда,
 - Ишлаб
 - чиқаришнинг
 - қисқариши.
-
-
-

2. Мамлакатда четдан келтирилган (импорт) товарлар нархининг кўтарилиши.

3. Кредитнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши.

Кейнсчилар инфляциянинг сабаби тўлиқ бандлик шароитида ялпи талабнинг ўсишидан иборат деб билишади.

Неоклассик ёндошувга биноан инфляциянинг сабаби ишлаб чиқариш харажатларининг қўпайишидан иборат.

6-топширик. нотўғри жавобни аниқланг

Инфляцияни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: ()

- А) ЯИМ дефлятори;
- Б) истеъмол нархлар индекси;
- В) улгуржи нархлар индекси.

Г) ЯИМ ўсиши


7-топширик. Классикларнинг таклифларини ўринли жойлаштиринг.

Кейнсчилар инфляцияга томонидан, неоклассиклар эса томонидан ёндошишади.

Таклиф, Талаб

2. Инфляция турлари

Инфляциянинг келиб чиқиши сабабларига қўра унинг икки тоифасини кўрсатиш мумкин:



8-топширик. Тариф беринг. Талаб инфляцияси-бу.....

9-топширик. Тариф беринг. Таклиф инфляцияси-бу.....

10 -топширик. Талаб ва Таклиф инфляциясининг юзага келиши сабабларини анықланғ.

<u>№</u>	<u>белгилар</u>	<u>юзага келиши сабабларини</u>
----------	-----------------	---------------------------------

<u>1</u>		ҳарбий харажатларнинг ўсиши ва иқтисодиётнинг милитарлашуви
<u>2</u>		ҳар хил жараёнлар ва таркибий ўзгаришлар туфайли меҳнат унумдорлигининг пасайиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ошади.
<u>3</u>		давлат қарзларининг ўсиши ва бюджет тақчиллигининг мавжудлиги
<u>4</u>		халқ хўжалигига ортиқча кредитлар бериш натижасида муомалада кредит билан боғлиқ муомала воситалари юзага келади.
<u>5</u>		ҳар хил янги хизмат турлари пайдо бўлади, кам меҳнат унумдорлигига юқори иш ҳақи олишга имконият туғилади.
<u>6</u>		чет эл валютасининг мамлакатга кириб келиши ва унинг миллий валютага алмашинуви натижасида, муомалада пул массаси ортиб боради, миллий пулга нисбатан чет эл валютасининг қадри ошади
<u>7</u>		аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида иш ҳақининг ошиши, товарлар баҳосининг ошишига олиб келади ва яна иш ҳақи ошади ва ҳ.к.
<u>8</u>		халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини керагидан ортиқча инвестициялаш ҳам айланмага қўшимча пул эквивалентларини чиқаришга олиб келади.

А.Талаб.

Б. Таклиф

11-топширик. Нархларнинг ўсиш суръатлариiga кўра инфляциянинг турларини фарқланг:

№	нархларни умумий даражаси, %	инфляциянинг турлари
1	10%гача	

2	10-100%га	
3	100-1000%га ўсади;	
4	1000%дан юқори	

12-топширик. Намоён бўлиш шаклига кўра инфляция нималарда намоён бўлади:

№	Инфляциялар	Намоён бўлиш шакли
1	очик инфляция	
2	яширин инфляция	

13-топширик. Ривожланган мамлакатларда инфляциянинг шароит ва омиллари ҳар хиллигини ҳисобга олиб уни қуидаги гурӯхларга ажратинг.

№	гурӯхлар	Мамлакатлар	омиллар
1	Биринчи гурӯхга	Лотин Америка мамлакатлари - Аргентина, Бразилия, Перу	
2	Иккинчи гурӯх	Колумбия, Эквадор,	

		Венесуэла, Эрон, Сурдия	
3	Учинчи гурӯҳга	Ҳиндистон, Индонезия, Покистон, Таиланд, Филиппин	
4	Тўргинчи гурӯҳ	Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея, Баҳрайн, Арабистонда	

*Ишсизлик ва инфляция кўрсаткичлари
ўртасидаги ўзаро боғлиқлик инглиз
иқтисодчиси А.У.Филлипс томонидан
аниқланган ва Филлипс эгри чизиги деб
аталади.*

Филлипс эгри чизиги ишсизлик ва инфляция даражалари ўртасидаги тесқари боғлиқлигини характерлайди.

14-топширик. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишини Филлипс эгри чизиги боғлиқлиги орқали асослаб беринг...



3.Инфляциянинг оқибатлари, унинг аҳоли турмуш даражасига, иқтисодиётга ва банк тизимиға таъсири

№	Инфляция	Таъсири
1	жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади:	
2	кишиларда қўрқув ва саросима ўйғотади	
3	Иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг стихиялиги кучаяди	
4	Товарлар тақчиллиги пайдо бўлади.	
5	Банк имкониятлари қадрсизланади.	
6	Хўжаликлар ўртасидаги	

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар::

1. Инфляция сўзи қандай маънони англатади?
2. Инфляция шароитида нималар рўй беради?
3. Инфляцияни кайси сабаблар келтириб чиқаради?
4. Инфляция қандай турлардан иборат?
5. Инфляция оқибатида нималар содир булади?
6. Инфляцияни тизгинлаш борасида қандай ишлар амалга оширилади?
7. Ўзбекистонда инфляция кўрсаткичи даражаси қанча фоизни ташкил этмоқда?
8. Юртимизда инфляция даражасининг кескин пасайиш омиллари қандай иқтисодий кўрсаткисларнинг ўсишига таъсир кўрсатмоқда?
9. Инфляция жараёнини давлат томонидан бошқарib боришда нималар амалга оширилади?
10. Мамлакатда пул ислоҳотини ўтказиш деганда нимани тушунасиз?

9-мавзу: ПУЛ ИСЛОХОТЛАРИ

Режа:

- 1. Пул ислоҳотларини амалга оширишининг зарурлиги. Пул ислоҳотларини амалга ошириши шарт-шароитлари.*
- 2. Пул ислоҳотларини амалга ошириши усуллари.*
- 3. Деноминация ва уни амалга ошириши тартиби. Нулификация ва уни амалга ошириши тартиби.*
- 4. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.*

Асосий тушунчалар: пулни харид қуввати, ислоҳот, револвация, девольвация, деноминация, нулификация, ўрмаловчи инфляция, сузувчи инфляция, югурувчи инфляция, товарлар тақчиллиги, пул ислоҳоти

- 1. Пул ислоҳотларини амалга оширишининг зарурлиги. Пул ислоҳотларини амалга ошириши шарт-шароитлари.*

1-топширик. Тариф беринг. Пул ислоҳотлари --бў.....

2-топширик. Пул ислоҳотлари мамлакатдаги иқтисодий ҳолатга, пулнинг қадрсизланиш даражасига ва давлатнинг сиёсатига боғлик ҳолда турли усулларда ва шаклларда амалга оширилишини белгиланг.

№	шакиллари	Усуллари
1	дефляция	
2	нулификация	
3	деноминация	
4	девальвация	
5	ревальвация	

3-топширик, изох беринг Мухим пул ислохотлари тарихига

Ислохотлар	тариф
Амир Темур хукмронлик қилган давр	
Мирзо Улуғбек томонидан 1428 й.	

Шайбонийлар даврида	
19-асрнинг бошларидан Бухоро амирлигига	
1920—21 йилларда Хоразм Совет Халқ Республикаси (ХСХР)	
24 й.ларда Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалар	

1947 йилда собиқ СССРда	
1961 йилда	
Ўзбекистон Давлат мустақиллигига эришгач	
Биринчи босқич: 1993 й.нинг 15 ноябрд	

Иккинчи босқич: 1994 й. 1 июлида	

4-топширик. Ўзбекистон Республикаси ўз миллий валютасини муомалага киритиши, икки босқичли банк тизими ва мустақил пул тизими ташкил этилиши пул-кредит сиёсатини эркин юритиш имконини берди.

Хисоб-китобларни енгиллаштириш мақсадида:

№	банк қоғоз пуллари (банкнотлар)	қачон муомалага чиқарилди.
1	200 сўмлик	
2	500 сўмлик	
3	1000, 5000, 10000, 50000 сўмлик	
4	100000 сўмлик	

5-топширик. нотўғри жавобни белгиланг

Пул ислохотини ўтказиш қандай йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

А) муомаладаги пул массасини камайтириш мақсадида, дефляция курси бўйича пулларни янги пулларга алмаштириш:

Б) ахоли ва корхоналарнинг банклардаги жамғармаларини вақтинча (тўлик ёки қисман) харакатсиз ушлаб туриш (қотириб қўйиш):

В) иккала усулни биргалиқда қўллаш йўли орқали пул ислохотини ўтказиш: бу усул халқаро амалиётда “шок йули” билан даволаш номи билан машҳурдир.

Г) қоғоз пулларни танга пулларга амлаштириш йўли билан.

6-топширик. Саволга жавоб беринг.

Халқаро амалиётда “шок йули” билан даволаш номи билан машхур усулда қандай чоралар қўлланилади?

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Пул ислоҳотлари деганда нимани тушунасиз?
2. Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлигини, пул ислоҳотларини амалга ошириш шарт-шароитларини очиб беринг?
3. Пул ислоҳотларини амалга ошириш усулларини ёритиб беринг?
4. Деноминация ва уни амалга ошириш тартибини, нуллификация ва уни амалга ошириш тартибини тушунтириб беринг?
5. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг?
6. Дефляция деганда нимани тушунасиз?
7. Деноминация деганда нимани тушунасиз?
8. Деинфляцион сиёсатнинг тушунчаси ва унинг мақсади.
9. Инфляция жараёнини давлат томонидан бошқариб боришда нималар амалга оширилади?
10. Мамлакатда пул ислоҳотини ўтказиш деганда нимани тушунасиз?

10-мавзу: КРЕДИТНИНГ ЗАРУРЛИГИ, ФУНКЦИЯЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Режа:

- 1. Кредитнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқарииш тараққиётидаги ўрни.*
- 2. Кредитнинг турлари ва уларнинг таснифланиши*
- 3. Кредит шакллари ва уларнинг хусусиятлари*

Асосий тушунчалар: судхурлик кредити, кредит субъектлари, кредит объектлари, кредит ресурслари, кредитнинг тамоиллари, қайтариб беришлик, муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилилк, мақсадлилик, самарадорлилик

1. Кредитнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқарииш тараққиётидаги ўрни.

1-топширик. Тарифни изоҳланг. Кредит- бу..

2-топширик. сабабларини баён этинг

Судхўрлик кредитини пайдо бўлиши.

--


3-топширик. Кредит қадимий тушунча сифатида (*қандай*)

атамалар билан бир даврда пайдо бўлган ва уларнинг доимий ҳамроҳидир.

4-топширик. Кредит жамиятнинг барча соҳаларига (*қайси соҳаларига*)

ва бошқа соҳаларига кириб борди.

5-топширик. Чизмани тўлдиринг ва изохланг. Кредит жамият такрор ишлаб чиқариш жараёнида бекиёс ўринга эга бўлиб,



ПУЛ – товар муносабатларининг ажралмас қисмига айланди.


6-топширик. Жавобингизни изохланг. Қандай зиддиятни кредит муносабатлари бартараф этади?

7-топширик. *Маълумотларда изохлане.* 2018-2019 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари кредит қуийлмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган.

8-топширик. Нукталар ўрнига ёзинг.


Кредит муносабатларида 2 томон, яъни қарз берувчи (Кредитор) ва қарз олувчи (дебитор) иштирок этади. Уларни кредит..... дейилади.

9-топширик. Чизмани түлдириб жавобингизни изоҳланг




10-топширик. Чизмани түлдириб жавобингизни изоҳланг

Кредит субъектлари таркибини



Кредит 2 шаклда, яъни пул маблағлари ёки товарлар шаклида берилади. Уларни кредит **объектлари** дейилади. Кредит объектлари ҳар қандай пул

маблағлари ва товарлар әмас, балки вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пул маблағлари ва товарлардир.



11-топширик. тўғри жавобни белгиланг

Кредит объектларига нималар киради?

- А) вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пул маблағлари ва товарлар.
- Б) хар қандай пул маблағлари
- В) ишлаб чиқарилган товарлар
- Г) хом ашёлар материаллари

12-топширик. Тарифланг.

Кредитга зарурат туғилганда қандай бўш пул маблағларидан **кредит ресурслари** сифатида фойдаланиш мумкин?

13-топширик. Кредит бир қатор вазифаларни бажаради:

1. Кредитнинг ижтимоий ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш вазифасига тариф беринг.

2. Кредит воситасида муомалага пулга tenglashтирилган тўлов воситалари бўлган вексел, чек, сертификат, кредит карточкалари ва бошқалар чиқарилиши вазифасига тариф беринг.


3. Кредит орқали пул маблағлари турли тармоқлар ва соҳалар ўртасида қайта тақсимланиши вазифасига тариф беринг.

4. Кредит воситасида жамиятдаги бўш пул маблағлари жамғарид борилиши ва ҳаракатдаги капиталга айланиши вазифасига тариф беринг


5. Кредит воситасида жамиятда иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш имкониятлари туғилиши вазифасига тариф беринг.

14-топширик. Фикрингизни баен этинг.

Давлат микиёсида кредит микдорини кўпайтириш ёки камайтириш орқали иқтисодиётга салбий ёки ижобий таъсири ўтказиши мумкин. Чунки кредит микдорини камайиши, купайиши унинг икки томонлама таъсирини билдиради.




**кредит
микдорини
кўпайтириш**



**кредит
микдорини
камайтириш**

15-топширик. Чизмани тўлдиринг ва тарифлаб беринг.

Кредит муносабатлари қуйидаги тамойиллар (принциплар)га риоя этган ҳолда амалга оширилади.



Кредитлаш тамоилларига тариф беринг ва фикрларингиз билан бойитинг.

1. Кредитнинг қайтариб беришлиқ тамойили:

Яхшиларингиз қарзни яхши адo этувчи кишилардир

Муҳаммад пайғамбар алаӣҳис-салом қиссаси.

Ҳадислар

2.Кредитнинг муддатлилик тамойилига:

Қарзни ўз вақтида бермасдан чўзиб юриши зулумдир.

Муҳаммад пайғамбар алаиҳис-салом қиссаси.

Ҳадислар

3. Кредитнинг таъминланганлик тамойили:

Кафил бўлгунча, кафтинг билан чўғ ушила.

(Ўзбек халқ мақоллари)

4.Кредитнинг тўловлилик тамойили:

Жаноби Расулulloҳ қарздордан ҳақини сўраб гапирган одам тўгрисида бундай деганлар: “Ҳақдор одамнинг гапиришига ҳаққи бор”

Муҳаммад пайғамбар алаиҳис-салом қиссаси.

Ҳадислар

5.Кредитнинг мақсадлилик тамойили:

Қарздор қарзини узар, хотин ёнида қолар.


(Ўзбек халқ мақоллари)

6.Кредитнинг самарадорлиги тамойили :

Қарз товуши чиқармаса ҳам, ухлагани қўймас.

(Ўзбек халқ мақоллари)

16-топширик. Чизмани тўлдиринг. Кредит муддатига қараб қўйидагиларга бўлинади?



17-топширик. аниқланг ва жадвални тұлдиринг

Мамлакатлар үртасида кредитлар берилиш муддатига қараб қуидаги турларга бўлинади:

Муддат лари	Японияда	Германияда	Хитойда	Италияда	Қозоқистонда
1.Кисқа муддатли 2.Ўрта муддатли 3.Узок муддатли					

18-топширик. нотўғри жавобни белгиланг

Кредитлар қайтарилиши муддатига қараб қуидаги турларга бўлинади.

- A) Муддатсиз кредитлар
- Б) Муддатли кредитлар
- В) Муддати узайтирилган кредитлар
- Г) Муддати ўтган кредитлар

Кредитлар ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига қараб қандай турларга бўлинади.

- А) Жамғарма фондларга
- Б) Асосий фондларга
- В) Айланма фондларга
- Г) Муомала фондига

19-топширик. Жадвални тұлдиринг.

Кредитлар	Тариф
Муддатли кредитлар	
Муддати узайтирилган кредитлар	
Муддати ўтган кредитлар	

20-топширик. Калит сўзлардан фойдаланиб жадвални тўлдиринг.

№	Кредитлар	Сарфлар
1		асосий фондларни куриш ва таъмирлаш, сотиб олиш, созлаш, жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлаш ва бошқаларга сарфланадиган кредитлар
2		Бундай кредитлар тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш, қадоқлаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ ҳаракатларга йўналтирилади.
3		Бундай кредитлар хом-ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни сотиб олиш учун сарфланади

Калит сўзлар: айланма фондларни тўлдириш учун, муомала фондига сарфланадиган, асосий фондларни куриш ва таъмирлаш, жамғарма

фондларга

21-топширик. нотүгри жавобни белгиланг

Таъминланганлик нүктай назаридан кредитлар-


- А) билвосита таъминланган
- Б) бевосита таъминланган,
- В) учинчи шахслар воситасида таъминланган
- Г) таъминланмаган кредитлар

Тўланадиган **фоиз даражасига** қараб

- А) ўта юқори фоизли
- Б) ўртача (нормал) фоизли,
- В) паст фоизли
- Г) фоизсиз (имтиёзли) кредитлар

Кредитнинг шакллари ва уларнинг хусусиятлари.

22-топширик. Кредитнинг асосий шаклларини чизмага жойлаштириб чиқинг



23-топширик. түгри жавобни белгиланг

Дастлаб кредитнинг қандай шакли кенг тарқалган?

А) Кредитнинг судхурлик шакли

Б) Тижорат кредити

В) Банк кредити

Г) Истемол кредити

24-топширик. Хусусиятлари асосида берилган калит сўзлардан фойдаланиб кредитларнинг шакилларини аниqlанг

№	Кредит шакиллари	Асоси хусусиятлари
1		ер гарови асосида натура ва пул шаклида берилган кредитлар.
2		товар шаклида бериладиган кредитдир.
3		пул шаклида бериладиган ссудалардир.
4		истемол товарларни сотиб олиш ва хизматларни тулаш
5		давлат заёмлари шаклида казиачей (ғазна) мажбуриятларини чиқариш орқали
6		фоиз келтирувчи капитал сифатида
7		ўтказувчан вексель (тратта) билан хужжатлаштирилади
8		қўп тармоқли халқаро заём ва кредитлар, евро кредитлар, евро бозорлар ва халқаро молия кредит институтларининг турли кредитлари

Калит сўзлар: Халқаро банк кредити, Халқаро хусусий ва фирма кредитлари, Халқаро кредит, Давлат кредити ва хусусий кредит, Истемол кредити, Банк кредити, Тижорат кредити, Судхурлик кредити

25-топширик. Жадвални тўлдиринг

Кредитларни мақсадлилиги

№	Кредит шакиллари	Кредитнинг мақсадлиги
1	Судхурлик кредити	
2	Тижорат кредити	
3	Банк кредити	
4	Истеъмол кредити	
5	Давлат кредити ва хусусий кредит	

6	Халқаро кредит	
7	Халқаро хусусий ва фирма кредитлари	
8	Халқаро банк кредити	

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Кредитларни таснифлашнинг аҳамияти нимада?
2. Кредитнинг берилиш муддатига караб неча турларга булинади?
3. Кредитлар кайтарилиш муддатига караб кандай турларга булинади?
4. Кредитларни ишлаб чикариш жараёнигдаги ўрнига караб кандай сарфланади?

5. Кредитнинг кандай шаклларидан амалиётда кўлланилади?
6. Тижорат кредити кандай шаклда берилади?
7. Микрокредитлар қанча миқдордан берилади?
8. Товар кредитида товарлар ва хизматлар кандай берилади?
9. Лизинг кредитида объектларига нималар киради?
10. Банк кредити кандай шаклда берилади?
11. Ипотека кредитида нималар гаровга кўйилиб берилади?
12. Истемол кредитида кимлар иштирок этади?
13. Таълим кредити бериш тартиб қоидалари ҳақида фикир беринг.
14. Давлат кредитининг асосий хусусиятлари нимада?
15. Халқаро кредитнинг юзага келишдан мақсад нимада?

11-мавзу: КРЕДИТ БҮЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАР ВА УЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Режа:

- 1. Ссуда фоизи тушунчаси ва унинг вазифалари*
- 2. Ссуда фоизи турлари*
- 3. Ссуда фоизига таъсир этувчи омиллар*

Асосий тушунчалар: ссуда, ссуда фоизи, номинал ссуда. сузиг юрувчи ссуда, реал ссуда, судхурлик кредити, кредит субъектлари, кредит объектлари, кредит ресурслари, кредитнинг тамоиллари, қайтариб беришлик, муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилик, мақсадлилик

1. Ссуда фоизи тушунчаси ва унинг вазифалари

1-топширик. тушунча беринг Ссуда - бу..

2-топширик. тушунча беринг Ссуда фоизи - бу...

3-топширик. тўғри жавобни белгиланг

Ссуда фоизи

- А)Кредитнинг баҳоси.
- Б)Кредитнинг фоизи
- В)Кредитнинг шакли

Г)Кредитнинг тури

4-топширик. Масалани ечинг.

Суда фоизи бериладиган кредит суммасига нисбатан аввалдан фоизларда белгиланади. Суда фоизи даражаси эса ссуда фоизи суммасининг қарз микдорига нисбати билан аниқланади. Масалан, корхона банкдан олган 120 млн. сўм кредит учун, ҳар ойда 18 миллион сўмдан фоиз тўласа, ссуда фоизи даражаси 15 % ни ташкил этади, аниқланг:

Суда фоизи суммасини аниқлаш учун ссуда суммаси ссуда фоизи даражасига кўпайтирилади ва 100 га бўлинади, аниқланг:

5-топширик. Суда фоизи қандай вазифаларни бажаради?

№	Вазифалари	Сабаби
1	Суда фоизи кредит олувчининг ишлаб чиқариш ресурслари ва қарзга олинган маблағлардан унумлироқ фойдаланишга ундайди.	
2	Суда фоизи олинадиган кредит микдорини чегаралаб қўяди.	


3	Ссуда фоизи банклар ва бошқа махсус молия-кредит муассасаларининг асосий даромад манбаи ҳисобланади.	

2. Ссуда фоизи турлари

Кредит турлари ва шакллари хилма-хил бўлгани каби, улар учун тўланадиган ссуда фоизлари ҳам турлича бўлади.

6-топширик. Чизмани тўлдиринг. Ссуда фоизларининг турлари:

Кредитни қайтариш чоғида бирдан тўланадиган ссуда фоизи.



7-топширик. Ссуда фоизлари турларини тарифланг:

№	Турлари	Тарифлари

1	Кредитни қайтариш чоғида бирдан тўланадиган ссуда фоизи.	
2	Кредит берилган муддатда 1 меъёрда тўлаб бориладиган ссуда фоизи.	
3	Кредит берилаётган пайтда бирдан тўланадиган ссуда фоизи.	
4	Қатъий белгилаб кўйиладиган ссуда фоизи	
5	Сузиб юрувчи, яъни ўзгарувчан ссуда фоизи.	
6	Реал ссуда фоизи	

8-топширик. Масалани ечинг

Кредитни қайтариш чоғида бирдан тўланадиган ссуда фоизи.

Масалан, кредит суммаси – 100 000 000 сўм, муддати -12 ой (365 кун), йиллик ссуда фоизи даражаси - 25 % (360 кун учун). Кредит олувчи кредит муддати битгач, кредитни қайтаради ва 25 000 000 сўм ссуда фоизи тўлайди.



Кредит берилган муддатда 1 меъёрда тўлаб бориладиган ссуда фоизи. Юқоридаги мисолга қайтадиган бўлсак, энди қарздор ссуда фоизини ойма – ой 2 083 000 сўмдан тўлаб боради.



Кредит берилаётган пайтда бирдан тўланадиган ссуда фоизи. Юқоридаги мисолга қайтамиз, кредит муддати 1 йил (365 кун) деб оламиз.

Бу ҳолда қарз олувчи аввалдан 1 йиллик ссуда фоизини, яъни 25000000 сўм тўлайди ёки қарз берувчи кредит суммасидан 25 000 000 сўм ушлаб қолиб (100000 000 сўм–25 000 000 сўм) 75 000 000 сўм беради.

Қатъий белгилаб қўйиладиган ссуда фоизи одатда, кредит шартномаси амал қилган муддатда ўзгармасдан қолади. Бундай ссуда фоизларини **номинал** ссуда фоизи ҳам дейилади. Мазкур ссуда фоизи кредит берувчи манфаатларига зид келиши ҳам мумкин. Айниқса, инфляция шароитида бунга йўл қўйилмайди.


Сузиб юрувчи, яъни ўзгарувчан ссуда фоизи. Бу ҳолда кредит берувчи томонидан ссуда фоизи ҳар ойда кредит ресурслари бозоридаги талаб ва таклифга қараб қайта ҳисоблаб борилади.

Реал ссуда фоизи деганда инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган ссуда фоизи тушунилади. Масалан, ойлик номинал ссуда фоизи – 5 %, ойлик инфляция даражаси – 2 %. Бу ҳолда реал ссуда фоизи 7 % (5 %+2 %) ни ташкил этади.

3. Ссуда фоизига таъсир этувчи омиллар

9-топширик. Чизмани тўлдиринг

Ссуда фоизига таъсир қилувчи омиллар



10-топширик. Жавобингизни изоҳланг

Ссуда фоизи даражасига кўп омиллар таъсир этади, улардан асосийлари нималардан иборат:

№	омиллар	изоҳлар
1	Пул бозоридаги, яъни кредит ресурслари «ким ошди» савдосидаги (аукциони) кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклиф нисбати	
2	Кредитга олинадиган маблағларни ишлатишдан олинадиган фойда даражаси, яъни кредит самарадорлиги.	
3	Кредит муддати ва шартлари.	

4	Кредит қандай валютада берилганилиги.	
5	Пулни муқобил ишлатиш имконияти.	
6	Кредит ҳавф-хатари даражаси.	
7	Инфляция даражаси.	
8	Жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоизлар даражаси.	
9	Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси.	

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ссуда деб нимага тушунилади?
2. Ссуда фоизи деб нимага айтилади?
3. Ссуда фоизи қандай белгиланилади?
4. Ссуда фоизи қандай вазифаларни бажаради?

5. Ссуда фоизининг турлари кандай?
6. Номинал ссуда фоизига тариф беринг
7. Сузиб юрувчи ссуда фоизига тариф беринг
8. Реал ссуда фоизига тариф беринг
9. Ссуда фоизига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
10. Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан ссуда фоизлари белгиланаётганда қандай омиллар эътиборга олинмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Саидов Д. А., И.Я.Кулиев “Пул ва пул муомаласи”. Ўқув қўлланма. Т. Иқтисод-Молия, 2016 й..
2. Омонов А.А., Қоралиев Т.М. «Пул, кредит ва банклар». Дарслик Т.;- ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2018 й.
3. Рашидов О.Ю., Алимов И.И., Тоймухаммедов И.Р., Тожиев Р.Р. “Пул, кредит ва банклар”. Дарслик-Т.; ТДИУ. 2011 й.
4. Азизов У.Ў., Қоралиев Т.М. ва бошқалар. “Банк иши”. Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2016.
5. Ф.Муллажонов Ўзбекистон Республикасининг Банк тизими Тош 2001-2011 йил.
6. Муллажонов Ф.М. “Ўзбекистон Республикаси банк тизими” Тўлдирилган иккинчи нашри. Т.: Ўзбекистон, 2011-йил.25-бет.
7. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши” ўқув қўлланма Т. “Иқтисод-Молия” 2017 й.
8. Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография./ –Т.: “Иқтисод-Молия” 2009 й..

Кўшимча адабиётлар

9. Вахабов А.В., Сабиров О.Ш., Абдуталипов М.Ф. Особенности управления рисками инвестиционных проектов в коммерческих банках. Учебное пособие. - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2009. - 152 с.
10. Қоралиев Т. Саттаров О. ва бошқалар “Тижорат банклари фаолияти таҳлили”. Ўқув қўлланма. 2013-йил. 192 бет.
11. Тоғаев С.С. “Банк иши” фанидан услугбий қўлланма.
12. Ловрушин О.И., АфанасеваО.Н., Корниенко С.Л., Цифровая книга: “Банковское дело: современная система кредитования”. “КНОРУС”, 2011г.

Ахборот ресурслари:

14. www.lex.uz
15. www.ziyonet.uz
16. www.cbu.uz
17. www.bma.uz
19. www.bank.uz
18. www.stat.uz

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-4
1-мавзу: ПУЛ ВА БАНКЛАР ФАНИГА КИРИШ.....	5-6
2-мавзу: ПУЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ЗАРУРЛИГИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.....	7-20
3-мавзу: ПУЛ НАЗАРИЯЛАРИ.....	21-29
4-мавзу: ПУЛНИНГ ТУРЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	30-48
5-мавзу: ПУЛ АЙЛАНМАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ.....	49-60
6-мавзу: ПУЛ МАССАСИ ВА ПУЛ АГРЕГАТЛАРИ.....	61-67
7-мавзу: ПУЛ ТИЗИМИ: МАЗМУНИ, ТУРЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ.....	68-74
8-мавзу: ИНФЛЯЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КЎРАШИШ ЙУЛЛАРИ.....	75-83
9-мавзу: ПУЛ ИСЛОХОТЛАРИ.....	84-89
10-мавзу: КРЕДИТНИНГ ЗАРУРЛИГИ, ФУНКЦИЯЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ.....	90-105
11-мавзу: КРЕДИТ БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАР ВА УЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР.....	106-113
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	114

Нашрға рухсат этилди _____.____ 2020 й.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти босмахонасида чоп этилди.

Ҳажми ____ босма табоқ, Адади 100 нусха.

Буюртма № ____

Манзил: Самарқанд шаҳар, А.Темур кўчаси, 9 – уй.